

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:

№ БД-5120200-3.04

2016 йил "9" 01

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил "22" 01

АМАЛИЙ ТАРЖИМА

ФАН ДАСТУРИ

| | |
|------------------|---|
| Билим соҳаси: | 100 000 – Гуманитар соҳа |
| Таълим соҳаси: | 120 000 – Гуманитар фанлар |
| Таълим йўналиши: | 5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) |

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Мўминов О.М. – “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси профессори, ф.ф.н;
- Джураева М.Р. – “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси.

Такризчилар:

- Сиддиқова. И.А. – ЎзМУ Хорижий филология факультети профессори, ф.ф.д;
- Икромов Т.Т. – ЎзДЖТУ доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви, фан ва техниканинг жадал ривожланиши, ёш авлодни кўп маданиятли дунёда рақобатбардош кадрлар бўлиши вазифаси бир неча чет тилларни яхши биладиган мутахассисларни тайёрлашни тақозо этади. Бу эса чет тилларни ўқитишнинг Халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига татбиқ этишни белгилайди.

Мазкур ўқув дастурини тузишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тиллар ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” чиқарган қарори, 2013 йилдаги Ўзбекистонда узлуксиз таълимни амалга оширишга йўналтирилган хорижий тиллар бўйича ўқув фанларидан талабаларнинг тайёргарлик даражасига қўйилган талабларга асосланди.

Амалий таржима ўқув дастури 1-4 курс талабаларига мўлжалланган бўлиб, ёзма, оғзаки, она тилига ва ундан чет тилига ҳамда оммавий ахборот воситаларини таржима қилишга асосланган. Мазкур фан луғат билан ишлаш, оғзаки ва ёзма таржимада содда ва қўшма гапларнинг эквивалентини ҳар икки тилда тўғри топиш, ҳар икки тилга тўғри таржима қилиш йўллари қамраб олади. Дастур кетма-кетлик ва оддийдан мураккабга принципи асосида таржима қилишни, оғзаки ҳамда ёзма таржима кўникмалари ва малакаларига эга бўлишни талаб этади.

Амалий таржима ўз ичига қуйидаги таржима турларини қамраб олади:

- ёзма таржима;
- терминологик таржима;
- оммавий ахборот таржимаси;
- визуал таржима;
- кетма-кет таржима;
- синхрон таржима;
- бадий таржима.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Амалий таржима бўйича тузилган ўқув дастурининг асосий мақсади - Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш (CEFR) тўғрисидаги халқаро меъёрий ҳужжатлари асосида талабаларнинг кўрсатилган фан бўйича олган билимларини аниқлашни назарда тутати. Бунда чет тилини ўқитишнинг коммуникатив, интегратив ва бошқа ёндашувларини ҳисобга олиб, ўрганилаётган тилларда мулоқот қилишга тайёрлаш, талабаларда чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига таржима қилиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Бу фанни ўрганишда талабаларнинг қуйидаги қобилиятларга эришишлари асосий вазифа қилиб қўйилди. Социолингвистик, дискурсив (матнни ёза олиш ва сўзлаша олиш), стратегик (билмаганда ўрнини боса оладиган воситаларни қўллаш), социомаданий, ижтимоий ҳамда англаш ва билиш компетенцияларини, яъни лаёқатларини ўстириш асосий вазифа этиб қўйилган. Чет тилидаги коммуникатив компетенция талабаларнинг ўрганаётган тилда сўзлашувчи

мамлакатнинг маданиятига кириб бориш лаёқатларини ҳамда у тилда эркин сўзлашиб амалий таржима қилишга тайёр эканликларини ифода этади.

Амалий таржима фанини ўрганишда талабаларнинг қуйидаги кўникма ва малакаларга эришишлари асосий вазифа қилиб қўйилган:

- таржима соҳасида социолингвистик, дискурсив, стратегик, социомаданий, ижтимоий малакаларини ўстириш;
- ёзма, оғзаки, она тилига ва ундан чет тилига ҳамда оммавий ахборот воситалари матнларининг таржимасини ўргатиш;
- амалий таржима қила олиш кўникмаларини сингдириш;
- талабаларда матнларни таржима қилишда ижодий ёндашув, таржима сифатини юқори бўлишини таъминловчи омилларни тушунтириш;
- талабаларда чет тилларда чоп этиладиган даврий нашрларни ўқиш, шунингдек, радио ва телевидение материаллари билан танишиб бориш кўникмаларини шакллантириш;
- оммавий ахборот таржимасида кетма-кет ва бир вақтнинг ўзида она тилига таржима қилиш малакаларини ўстириш;
- ҳар икки тилнинг миллий руҳи ва ранг-баранг воситаларини тушуниш ва уларнинг муқобилларини топишга ўргатиш.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Амалий таржима асосий ихтисослик фани ҳисобланганлиги сабабли, у ўқув режасининг катта қисмини ташкил этади, чунки амалий таржима талабанинг маҳоратини белгилашга хизмат қилади. Шуларни ҳисобга олиб амалий таржима қилишга тегишли махсус талаблар қўйилади.

Талабалар амалий таржима фани бўйича қуйидагиларни билишлари зарур:

- ўрганилаётган тилларда сўзлашувчилар билан эркин мулоқот қилишга тайёр бўлиши ва ўрганилаётган тилда сўзлашувчи халқнинг маданиятини, урф-одатини билиши. Ундан ташқари, ўз мамлакатининг маданиятини, тарихини, урф-одати ва давлат тизимини яхши билиши ва мулоқот пайтида уни кўрсата билиши;
- чет тилини адабий тил нормасида билиши, ижтимоий таълим ва профессионал матнларни тушуниши, монологик ва диалогик нутқни тўлиқ тушуниб, эркин сўзлай олиши ва таржима қила олиши; турли жанрли матнлардаги гапларни ўзаро боғлиқлигини сақлаб, воқеа ва ҳодисаларни аниқ тасвирлаши;
- идиоматик сўз бирикмаларини, норма доирасида шеваларда талаффуз этилган аниқ ва мавҳум мавзулардаги нутқларни тушуниш, уни таржима қила олиши ва чет тилида сўзловчилар билан суҳбатлаша олишни билиши;
- телевизор дастурларини, янгиликларни тушуниши, ҳужжатли, бадиий фильмларни тушуниб, таржима қила олиши, жонли интервью, шоу, спектаклларнинг таржимасини билиши;
- эквивалентсиз сўзларни билиши ва уларнинг муқобилларини топа олиши;

- амалий таржима асосида она тилига ва ундан чет тилига ҳамда оммавий ахборот матнлари, уларни ёзма ва оғзаки таржима қилиш усуллари, она тилининг хусусиятларини ва услубий жиҳатларини, сўз танлашни ва таржиманинг турли техникасидан хабардор бўлиб, улардан унумли ва тўғри фойдаланишни билиши;

- бу фанни пухта эгаллаш учун талаба чет тили фонетикаси асосларини, хотирани мустақамловчи машқларни, оғзаки ва ёзма таржима малака ва кўникмаларини тўлиқ эгаллаган бўлишлари;

- таржима методлари сирасига кирадиган микроревью, компрессия, субституция, трансформация ходисаларини билиши;

- она тили ва таржима қилаётган тилни мукамал билиши;

- таржима жараёнида ишлатиладиган, нотик нутқининг асосий мазмунини ифодаловчи эслатма ёзувларни билиши;

- сиёсат, молия, санъат, иқтисод, спорт, технология, тиббиёт, божхона, ҳуқуқшунослик ва шу каби соҳаларга тегишли матнларни таржима қила олиш, улардаги атама ва терминларни чуқур ўрганиши ва уларни тўғри таржима қилиши, она тили ва чет тилидаги атамаларни бир-бири билан таққослашни билиши;

- чет тилидаги мулоқот этикетини билиши зарур.

Талабалар амалий таржима фани бўйича қуйидагиларни бажара олишлари керак:

- диалогик нутқ жараёнида тайёргарлик кўрмасдан, грамматик хатолар қилмасдан, вазиятга қараб, расмий ва норасмий нотик нутқларини таржима қила олиши, эркин интервью ола олиши, тайёр саволлардан ташқари ҳам қўшимча саволлар бериб, турли мавзуларда суҳбатлаша олиши;

- монологик нутқ жараёнида эркин сўзлаша олиши, маъруза матндан ташқари қўшимча мавзуларда ҳам сўзлаша олиши, тингловчилар томонидан билдирилган фикрларни таржима қила олиши;

- ёзма таржима бўйича турли жанрларга оид матнлардаги гапларни ўзаро боғлиқлигини сақлаб, таржима қила олиши, воқеа ва ходисаларни аниқ тасвирлаб, эссе, баён ва иншо ёза олиши;

- матнни ўқиш жараёнида ундаги керакли деталларни аниқлаб, фикр ва мулоҳазаларни тушуниши ва ўз соҳасидаги илмий, илмий-оммабоп мақолаларни таржима қила олиши;

- уйда, аудиторияда мустақил ишлай олиши, замонавий ахборот ва педагогик технологияларни қўллай олиши;

- нормал нутқ темпида сўзлашувчи хорижлик нутқининг мазмунини англаш ва билиш, сўз бойлигининг асосини ташкил қилувчи сўз ва иборалар ёрдамида амалий (кетма-кет) таржиманинг барча малакасига эга бўлиши;

- сўзловчи нутқининг асосий мазмунини англаш, сўз ва гап маъноларини эса сақлаб қолиш, унинг нутқидаги нотаниш сўз, ибора ва гапларни контекст орқали англаб, сўзловчи нутқи билан бир пайтда айтилган фикрларни синхрон таржима қилиш малакаларини шакллантириши;

- она тилида ёзилган матнни хорижий тилга ёки хорижий тилда ёзилган матнни эса она тилига варағдан, олдиндан тайёргарлик кўрмай визуал таржима қила олиши;

- сўз бойлигига эга бўлиши, умумий масалалар бўйича сўзларни қайтармасдан, уларнинг маънодош шакллари ва синонимларини ишлата олиши, маъно жиҳатидан тўғри келадиган сўз ва ибораларни вазиятдан келиб чиқиб фикрини ифода эта олиши;

- бадиий асарларни таржима қилишда матннинг жанр ва услубий жиҳатларини, шеърий ва насрий хусусиятларини ҳисобга олиб бадиийлик принципига амал қилиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Амалий таржима фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, I-VIII семестрларда ўқитилади. У асосий ўрганилаётган чет (роман-герман тиллари) тили, айниқса, амалий фонетика ва амалий грамматика, чет эл адабиёти фанлари билан бевосита боғлиқ. Талабалар олган билимларини умумий тилшунослик, тил тарихи, назарий фонетика, грамматика, лексикология, стилистика, таржима, қиёсий типология, шунингдек, психология, педагогика, методика фанлари бўйича назарий курсларни ўрганиш жараёнида фойдаланадилар. Мазкур фан ушбу фанлар билан алоқадорлигини ва мазмуний узвийлигини таъминлайди.

Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий умумқасбий ва ихтисослик фанларидан етарли билим ва кўникмаларига эга бўлиш талаб этилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Амалий таржима” фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш босқичининг ажралмас бўғини сифатида амалий таржима (инглиз, немис, француз, испан тиллари) умумқасбий фан ҳисобланиб, талаба-бакалаврларнинг турли хорижий кўшма корхоналарда, аэропортларда, божхоналарда ёки радио, телевидение компанияларида, Ташқи ишлар вазирлигида ҳамда хорижий давлатлар билан боғлиқ давлат ва нодавлат ташкилотларда, элчихоналарда ва шу каби бошқа жойларда фаолият кўрсатишга ёрдам беради. Бу эса талабаларнинг касбий фаолиятида чет тилларини амалий кўллаш малакасини ҳосил қилади.

Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий-илмий, умумқасбий ва ихтисослик каби фанлар билан биргаликда олиб борилади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг амалий таржима фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усуллари билан фойдаланиш, янги инфор­мацион педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар,

электрон материаллар, виртуал стендлар, интернет ҳамда компьютерлардан фойдаланилади. Синхрон, кетма-кет, визуал таржималар учун техник жиҳозланган кабиналардан фойдаланилади.

Замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган лабораториялар, кабинетлар, интернет бўлиши зарур. Ўқитувчилар қуйидаги замонавий педагогик технология билан қуролланиши зарур: кластер методи, ақлий ҳужум, роль ўйнаш, танқидий фикрлаш ва бошқалар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг амалий машғулоти мазмуни

Ўзма таржима. Оммавий матнлар асосида диктант ёзиб, таржима қилиш. Диалоглар таржимаси. Ўзиш қоидалари. Хатлар, аризалар, автобиографиялар, тавсифномалар, тавсияномалар ёзиш қоидалари. Хоҳиш ва эътироз билдириб ёзиладиган ҳужжатлар. Эслатма ёзувлар. Шеърлар таржима ёзиш усуллари. Қисқа ҳикояларни ўзма таржима қилиш усуллари. Чет тилига таржима қилинган асарларга аннотация ёзиш. Чет тилида маълумотнома ёзиш. Чет тилида диплом ва шаҳодатномалар ёзиш. Чет тилида баён ва иншолар ёзиш. Бизнес ҳужжатлари ва уларни чет тилига таржима қилиш. Бизнес ҳужжатларини тартибга солиш. Бизнес хатларини чет тилида ёзиш ва таржима қилиш. Газета ва журналлардаги мақолаларни таржима қилиш усуллари. Турғун бирикмалар, идиомалар ва мақол маталлар таржимаси. Турли жанрларга тегишли матнлар таржимаси. Турли жанрларга тегишли матнларнинг услубий хусусиятлари ва уларнинг функционал хусусиятларини таржимада сақлаш йўллари. Матн ёзиш қобилятини шакллантириш, ўзма манбалардаги матнлар (конференция материаллари, маҳсулотлар, озиқ-овқатлар, брошуралар ва бошқа манбалардаги ёзувлар билан танишиш ва уларни таржима қилиш). Ўзма нутқ луғат таркиби, грамматик қурилиш ва уларнинг ўрганилаётган хорижий ва она тилидаги ўзига хос хусусиятлари. Ўзма таржимада қўлланиладиган гаплар тузилиши, пунктуация, матннинг асл мазмуни она тилида берилиши. Таржимада содда ва қўшма гапларнинг эквивалентини ҳар икки тилда тўғри топиш. Атамаларнинг эквивалентини аниқлаш. Ўзма таржимада луғат билан ишлаш.

Таржима диктанти ўтказиш, давлат расмий ҳужжатларни таржима қилиш йўллари билиш. Ўрганилаётган тилда ариза, таржимаи ҳол, хат ёзиш усуллари. Бунда кундалик ҳаётини билдирувчи, лексик терминлардан ташкил топган қисқа эпизодик лавҳалар, кичик ҳажмдаги учрашув, сўзлашув ва шунингдек, қисқа ҳажмдаги маъмурий ва иқтисодий матнлар таржимаси.

Тилшунослик ва адабиётга оид матнлар (илмий адабиёт: қисқа ҳажмдаги илмий мақолалар, ҳикоя ва романлардан парчалар) таржимаси. Санъат ва маданият: санъат турлари, санъатга оид чолғу асбоблар, маданий ҳаётни акс эттирувчи турли маҳаллий ва халқаро тадбирлар. Спорт: дунёвий спорт, спорт турлари ва улар бўйича ўтказиладиган маҳаллий ва халқаро тадбирлар, чемпионатлар ҳақида иншо ёзиш.

Фан ва техника: дунёвий фанлар, фан тараққиёти, фан ва техникага тегишли халқаро анжуманлар, кўтариладиган муаммолар ҳақидаги матнларни ўрганилаётган тилга ўзма таржима қилиш.

Ёзиш техникаси, ёзишни такомиллаштириш йўллари, табиий ёзиш, ёзиш услубини ўрганиш.

Терминологик таржима она тили ва ўрганилаётган чет тилидаги турли соҳаларга тегишли бўлган матнларни ёзма ва оғзаки равишда она тилига ва чет тилига таржима қилишга ва уларни чуқур ўрганишга асосланган. У қуйидаги мавзулардаги матнларни ўз ичига олади: соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, қонун, экспорт ва импорт, саноат ва қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, автомобиль саноати, компьютер ва интернет, спорт, маиший хизмат, ахборот технологияси. Дунёвий фанлар, фан таракқиёти, фан ва техникага тегишли халқаро анжуманлар, анжуманларда кўтариладиган муаммолар ёзилган мақолаларини таржима қилиш. Тиббиёт ва фармацевтикага бағишланган матнлар. Тиббиёт фан соҳалари бўйича матнлар, тиббий терминлар, тиббиёт мавзусига бағишланган маҳаллий ва халқаро анжуман ва тадбирлар ҳамда халқ таъбири, фармацевтикага оид материал ва мақолаларни таржима қилиш.

Сиёсат, молия, санъат, иқтисод, спорт, технология, божхона, ҳуқуқшунослик терминларидан ташкил топган матнлар таржимаси. Турли соҳалардаги мавзуларга бағишланган халқаро конференция, симпозиум, семинар ҳамда анъанавий учрашувларга оид матнлар, иштирокчилар нутқлари таржимаси.

Санъат ва маданият, санъат турлари, санъатга оид чолғу асбоблар, маданий ҳаётни акс эттирувчи турли тадбирлар, маҳаллий ва халқаро тадбирлардаги таржималар. Спорт (дунёвий спорт, спорт турлари) ва улар бўйича ўтказиладиган маҳаллий ва халқаро тадбирлар, чемпионатлар ҳақидаги материаллар ва учрашувлар таржимаси.

Халқаро ва давлатлараро сиёсий, иқтисодий ташкилотларга оид сўз, ибора ва терминлар таржимаси.

Жаҳон ҳамжамияти тинчлиги ва хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан маданий ва иқтисодий алоқаларига оид ҳужжатлар, терминлар таржимаси.

Оммавий ахборот таржимаси. Радио, телевидение ва газета журналлардаги ахборотлар ва мақолаларни чет тилидан она тилига, она тилидан чет тилига таржима қилиш. BBC, CNN янгиликлари. Чет тилларида босилиб чиқилган газета ва журналлардаги мақолалар. Давлат раҳбарларининг ташрифлари. Ўзбекистонда ва хорижий давлатлардаги турли мавзуларга бағишланган хабарлар.

Бу фанни ўтиш талабаларда оғзаки ва ёзма таржима малака ва кўникмалари ҳосил бўлгандан сўнг тавсия этилади. Чунки оммавий ахборот таржимаси фанини ўрганиш ҳам оғзаки, ҳам ёзма таржима кўникмалари ва малакаларига эга бўлишни талаб этади. Оммавий ахборот таржимасида компьютер, телефон, радио, телевидение ва бошқа техник воситалар имкониятларидан фойдаланилади.

Хорижий мамлакатлардаги газета ва журналлар номи ва улар ҳақида маълумот. Газета ва журналларнинг хусусиятлари ва уларнинг таржимада акс этиши. Газета тузилиши, ҳар хил рунлари. Газета жанрлари. Жаҳон мамлакатлари, (мамлакат номи, пойтахт номи, шаҳарлар номи, давлат тилининг номи).

Халқаро ва давлатлараро сиёсий, иқтисодий ташкилотларга оид матнлар, сўз, ибора ва терминлар таржимаси. Жаҳон ҳамжамияти тинчлиги ва хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан маданий ва иқтисодий aloқаларига оид матнлар, сўз ва иборалар таржимаси.

Визуал таржима. Бу таржима турини ўрганишда талабалар бир тилда ёзилган матннинг асосий мазмунини тезда ўқиб, қисқа вақт ичида, бошқа тилга таржима қилиб, ўқиб бериш малакаларини шакллантиради. У қуйидаги мавзуларни ўз ичига олади: суд хизматлари, суд ҳужжатлари, суд қарори ва ҳукмлари, интернет материаллари, эълонлар, рекламалар, тиббий ҳужжатлар, дори рецептлари, дори-дармонларни кўллаш бўйича кўрсатмалар, анжуманлардаги ёзма ҳужжатлар, маърузалар, озиқ-овқат ва кийим-кечаклар, техник жиҳозлар, хатлар, телеграммалар ва СМСдаги маълумотлар. Визуал таржима методлари, дарҳол таржима қилиш услублари, ёзма матнни қисқа вақт ичида оғзаки таржима қилиш, таржима қилинаётган тилдаги сўз ва ибораларга айна пайтда эквивалентларини топиш, ўрганилаётган тилдаги географик номлар, шаҳар номлари, дарё, кўл, денгиз, тоғ тизмаларининг номлари, машҳур олимлар, ёзувчилар, ташкилотлар номлари, турли соҳадаги терминлар билан ишлаш.

Визуал таржиманинг техник усуллари компьютер экранида ёзилган матнларни визуал таржима қилиш. Чет тилларидаги ёзма матнларни она тилига таржима қилиш йўллари. Катта экранлардаги матн, титрларни визуал таржима қилиш. Озиқ-овқат, истеъмол маҳсулотлари қадоқларидаги ёзма матнларни визуал таржима қилиш. Ўқитувчи ва талаба томонидан танланган матнларни она тилига таржима қилиш. Таржимоннинг нутқини ўстириш, визуал таржимада лексик бирликларни тўғри ишлатиш, синтактик боғланиш, матннинг асосий мазмунини ифода этувчи сўзлар ва иборалар.

Кетма-кет таржима оғзаки таржиманинг бир тури бўлиб, бир тилдан иккинчи тилга нотик нутқининг бир қисмини эшитгандан сўнг таржима қилишни назарда тутди.

Кетма-кет таржима ва унинг хусусиятлари, кетма-кет таржиманинг таърифи, кетма-кет таржиманинг тарихи, таржимонлар тайёрлашдаги кетма-кет таржиманинг аҳамияти, кетма-кет таржимага маданиятнинг таъсири, кетма-кет таржима қилиш машқлари, эшитиш, таянч сўзлар билан ақлий ҳужум, микроревью, ўрин алмаштириш, компрессия, синтактик компрессия, сўзлаб бериш ва таржима, абзацлар бўйича таржима қилиш, диктант таржимаси.

Ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишнинг айрим йўллари. Тадбиркорлик бўйича суҳбатларни таржима қилиш. Брифингдаги суҳбатлар таржимаси. Конференциядаги таржима. Халқаро конференцияни таржима қилиш. Музокараларни таржима қилиш. Мурожаатларни таржима қилиш. Делегацияга ҳамроҳлик қилишдаги таржима. Урф-одатлар, анъаналар ва байрамлар ҳақидаги суҳбатларни таржима қилиш. Ҳамкорлик ҳақидаги суҳбатларни таржима қилиш. Тақдимотларни таржима қилиш. Бирлашган миллатлар ташкилотининг фаолиятидаги тадбирларни таржима қилиш.

Кетма-кет таржима 3- 4- босқич талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан кўзланаётган мақсад талабаларни хорижий тилга синхрон таржима қилиш босқичидан олдин ўргатиладиган амалий таржимани ўз ичига олади. Талаба

ўзлаштириши муҳим бўлган барча терминлар, миллий маданий сўзлар, реалиялар (хос сўзлар) хусусиятларини амалий машғулот орқали матнларда қўлланган сўзлар ва турли тадбирлар, жумладан, расмий музокаралар, глоссорий, телефон нутқи, семинарлар, брифинглар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, делегацияларни кутиб олиш ва кузатиш, чет эл меҳмонларини экскурсияга олиб чиқиш, тақдимотлар, кўргазмалар, байрам тадбирлари, ташрифлар, чет эллик меҳмонларни аэропортдан кутиб олиш ва кузатиш чоғида ўрганиб боради.

Трансформацияни қўллаб, матннинг маъносини она тилида талқин этиш ва уни хорижий тилдан худди шу усулда таржима қилиш. Нутқ техникасини ривожлантириш.

Матнларни абзацга бўлиб таржима қилиш. Матнни абзацларга бўлиб ўқиш ва оғзаки таржима қилиш, кейинги абзацни таржима қилишдан олдин, абзацдаги сўзлар йиғиндиси ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Кетма-кет таржима қилиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш учун қийин вазиятларда таржима қилиш (шовқин – сурон, мусиқа садолари остида, тингловчилар сони кўп бўлганда).

Белгилар билан тез ёзиш. Тез ёзиш малакаларини ўстириш. Аҳамиятли маълумотларни мантиқий ривожлантириш. Аудио-визуал материаллар асосида кетма-кет таржима қилиш.

Кетма-кет таржима синхрон таржиманинг асосидир. Оғзаки таржима вазиятини яратиш ва шартли конференциялар ўтказиш. Конференция иштирокчиларини (раис, президиум, делегат, таржимон), мавзу танлаш ва таржимон учун ишчи вазиятини яратиш.

Амалий машғулотларда:

Синхрон таржима оғзаки таржиманинг бир тури бўлиб, нотик нутқини бир вақтни ўзида эшитиб ва таржима қилинади. Унга қуйидаги мавзулар киради: синхрон таржима ва унинг тарихи, синхрон таржимани ўрганиш методлари, эшитиш ва хотирада сақлаш машқлари, сўзларни тушириб қолдириш ва таржима, таржимада эквивалентлик. Чет тилидан она тилига синхрон таржима қилиш принциплари. Она тилидан чет тилига синхрон таржима қилиш принциплари. Синхрон таржимада гапларни мантиқий боғлаш. Синхрон таржимада компрессия ҳодисаси. Синхрон таржимада кўп сўзли ибораларни кам сўзли ибора ва сўзлар билан алмаштириш. Сонларни ёдда олиб қолиш. Нотик нутқидаги асосий семантик мазмуннинг таржимаси. Таржима жараёнида хотирани ривожлантириш. Сўзлар бирикишида тахминий мазмунни аниқлаш. Таржимон синхронистнинг нутқини ўстириш. Синхрон таржимада лексик бирликларни тўғри ишлатиш, синтактик боғланиш, категорияли семантик компонентлар, матннинг асосий мазмунини ифода этувчи сўзлар ва иборалар.

Синхрон таржимадаги коммуникатив вазият, синхрон таржимонни анжуманга тайёрлаш, анжуман мавзуси ва муаммолари билан танишиш.

Синхрон таржима методлари, бир зумда таржима қилиш услублари, эшитиш ва хотирада сақлаш, таржима қилинаётган тилдаги сўз ва ибораларга бир зумда эквивалентларини топиш, ўрганилаётган тилдаги географик номлар, машҳур олимлар, ёзувчилар, ташкилотларнинг номлари, ҳар хил соҳага тегишли терминлар билан ишлаш.

Халқаро тадбир, йиғилиш ва конференцияларни ўтказиш хусусиятлари.

Синхрон таржиманинг техник хусусиятлари. Кабина ва кабинадан ташқарида синхрон таржима қилиш.

Турли соҳаларга тегишли матнлар таржимаси. Турли соҳаларга тегишли атамаларнинг услубий хусусиятлари ва уларнинг функционал хусусиятларини таржимада сақлаш йўллари.

Бадиий таржима. Бадиий таржиманинг лингвистик муаммолари. Бадиий ифода усуллари, таржима матнига талаб даражасида услубий ишлов берилишини таъминлаш.

Бадиий таржимада тил нормалари. Аслият матни ва таржима. Бадиий таржимада таржимон маҳорати ва услуби. Бадиий таржимада муқобиллик ва адекватлик. Антономик таржима. Бадиий таржимада ўрин алмаштириш, қўшиш ва тушириб қолдириш ҳодисаси. Миллий колорит ва бўёқдорликка эга сўзлар таржимаси, миллий менталитетни таржимада бериш, фразеологик бирикмалар таржимаси. Бадиий таржимада грамматик муаммолар. Муқобили йўқ сўзларни таржима қилиш. Лексик трансформациялар. Таржиманинг прагматик жиҳатлари. Бадиий таржимада табдил усуллари. Бадиий таржимада ҳамоҳангликни таъминлаш, икки тилнинг миллий руҳи ва ранг-баранг воситаларини ҳамда уларнинг муқобилларини топиш, таржимон фаолияти. Таржимон услуби, асл нусха, муаллифнинг услубини таржимада сақлаш. Тил воситаларидан фойдаланишда таржимоннинг ўзига хос йўл тутиши ва услуби. Бадиий асарларни таржима қилишда таржимон маҳорати.

Шеър таржимада таржимон услубининг хусусиятлари, таржимон маданияти ва унинг асосий тамойиллари. Таржима жараёнида аслият матнининг қисмларига мос ва тенг бўлган матн унсурлари. Аслият қисмлари тушунчаси. Айнан мувофиқ келадиган таржима қисмларини яратиш.

Таржимада қўлланиладиган турли лексик ва грамматик трансформацияларга эҳтиёжнинг мавжудлиги.

Аслият ва таржима бирликлари ўртасида бевосита алоқа. Бирламчи матн асосида трансформациялар фойдаланиб таржима бирликларини сақлаш.

Таржимашунос олим, машхур таржимашунос олим Л.Бархударовнинг “тадбил” ҳақидаги фикрлари. Аслият матнини сақлаш ҳодисаси. Матннинг ўзгаришсиз қолиши ва унинг асосида ўзга тилда бошқа матн яратилиши. Бадиий таржима жараёнида амалга ошириладиган тадбилларнинг тўртта тури 1) сўз ўрнини ўзгартириш; 2) алмаштириш; 3) сўз қўшиш; 4) сўзни тушириб қолдириш.

Сўз ўрнини ўзгартиришда аслият матнига нисбатан таржима матнида тил унсурлари тартибининг ўзгартирилиши. Алмаштиришда сўз шакли, нутқ бўлаклари, гап бўлаклари, синтактик боғланиш турларини ўз ичига олган грамматик ва лексик бирликларнинг алмаштирилиши.

1. Амалий таржимага бағишланган адабиётлар ва мақолаларнинг библиографик рўйхатини тузиш.

2. Амалий таржимага бағишланган адабиётни ўқиб, ўз фикрини чет тилида ёзиш. Таржимон мутахассислигига бағишланган алоҳида мавзу бўйича ёзилган мақолаларни ўқиб, уларни таржима қилиш.

3. Европа ва Ўзбекистон ёзувчиларининг бадиий асарларидан парчалар таржима қилиш.

4. Амалий таржимага оид алоҳида мавзу бўйича рефератлар ёзиш.

5. Амалий таржимага бағишланган адабиётлар ва мақолаларнинг библиографик рўйхатини тузиш.

6. Синхрон таржима техникасини эгаллашга қаратилган маълумотлар тўплаш. Синхрон таржима кўникма ва малакаларини оширишга йўналтирилган, хотирани мустақамлайдиган турли машқлар бажариш..

7. Хорижий тилдаги радио ва телевидение кўрсатувларини видеотасмага ёзиб олиб, синхрон таржима қилиш. Хорижий тилдаги фильмни синхрон таржима қилиш.

8. Турли соҳага тегишли бўлган хорижий тилидаги терминларни она тилидаги эквивалентлари топиб, луғат тузиш.

9. Синхрон таржимага оид адабиётларни ўқиш ва улардаги материаллар асосида реферат, курс иши ва битирув малакавий иш ёзишга асосий эътибор қаратилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагилардан фойдаланишлари тавсия этилади:

- радио ва телевидение янгиликларини эшитиб ва кўриб туриб, овоз чиқармай, амалий таржима қилиш.

- турли соҳага тегишли терминлар бўйича таркатма материаллар тайёрлаш;

- она тилидаги кўп сўзли иборалар ўрнига ўрганаётилган чет тилидаги кам сўзли муқобилларини топиб луғат тузиш;

- ўтилатган мавзу бўйича радио ва телевидение орқали бериладиган хабарларни СД дискига ёзиб олиб, таржима қилиш;

- ўтилатган мавзуга оид умумий семантик компонентга эга бўлган сўзлар ва иборалар рўйхатини тузиб, ёд олиш;

- амалий таржиманинг бирорта тури бўйича мавзу танлаб баҳс ўтказиш;

- шахримиздаги тарихий жойларга, музейларга ташриф буюриб, у ердаги тарихий обидаларни, экспонатларни тушунтириш учун таржимон экскурсавод сифатида роль ўйнаш;

- таржимоннинг профессионал кўникмалари, таржима санъатига оид адабиётлар билан танишиб, конспект ёзиш;
- таржимонлик маҳорати нима эканлиги ҳақида материал тўплаш ва таржимон услублари ҳақида билиш;
- таржимонларни тайёрлаш муаммолари бўйича иншо ёзиш;
- амалий таржиманинг бирорта мавзуси бўйича реферат ёзиш.
- турли соҳаларга оид матнлардаги терминларнинг лексик ва грамматик хусусиятларини аниқлаш ва тақдимот тайёрлаш.
- чет тилидан она тилига қилинган матнлар таржимасини таҳрир қилиш ва камчиликлари ҳақида ёзма фикр билдириш.
- тиббиётга оид матнларни чет тилига таржима қилиш ва таржима муаммолари ҳақида реферат ёзиш.
- амалий таржимадаги қийинчиликлар ҳақида маъруза ёзиш.
- ёзма таржима техникасига хос хусусиятларни белгиловчи омиллар ҳақида маъруза ёзиш.
- Euronews, BBC ва CNN телеянгилекларини кўриб, уларни она тилига таржима қилиш.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Фан ва техника: дунёвий фанлар, фан тараққиёти, фан ва техникага тегишли халқаро анжуманлар, кўтариладиган муаммолар.
2. Ёзиш техникаси, ёзишни такомиллаштириш йўллари.
3. Сиёсат, молия, санъат, иқтисод, спорт, технология, божхона, ҳуқуқшунослик терминлари.
4. Халқаро ва давлатлараро сиёсий, иқтисодий ташкилотларга оид сўз, ибора ва терминлар таржимаси.
5. Халқаро ва давлатлараро сиёсий, иқтисодий ташкилотларга оид сўз, ибора ва терминлар таржимаси.
6. Жаҳон ҳамжамияти тинчлиги ва хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан маданий ва иқтисодий алоқаларига оид ҳужжатлар, терминлар таржимаси.
7. Кетма-кет таржимада миллий маданий сўзлар, реалиялар (хос сўзлар)нинг хусусиятлари
8. Визуал таржиманинг техник усуллари.
9. Синхрон таржиманинг техник хусусиятлари.
10. Шеърый таржимада таржимон услубининг хусусиятлари.
11. Таржимада қўлланиладиган турли лексик ва грамматик трансформациялар.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Талабаларнинг амалий таржима фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар, интернет ҳамда компьютерлардан фойдаланилади.

Мазкур фанни ўқитишда таълимнинг қуйидаги замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган: аклий хужум, кластер методи, роль ўйнаш методи, хотира машқи.

Амалий таржима фанидан компьютерларда тестлар бажариш, интернет маълумотларини тўплаш, лингафон кабинетларида ишлаш, интерактив методлардан фойдаланиш, матнларнинг электрон вариантларини яратиш ва улардан фойдаланиш.

- замонавий компьютер технологиялари ёрдамида машқлар бажариш;
- аклий хужум, гуруҳли фикрлаш технологияларидан фойдаланиш;
- кичик гуруҳлар мусобақалари, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш;
- амалий (оғзаки) таржима фанидан компьютерларда тестлар бажариш;
- оғзаки таржима бўйича интернетдан маълумотлар тўплаш;
- лингафон кабинетларида ишлаш;
- оғзаки таржима хусусиятларини амалий ўрганишга аҳамият бериш.
- ёзма таржима фанидан компьютерларда тестлар бажариш;
- интернетдан фанга оид материал ва маълумотлар тўплаш;
- дарс сифати ва самараси юқори бўлишини таъминлаш мақсадида интерактив метод ва янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

Инглиз тили

1. Мўминов О., Қўлдошев А., Ҳошимов Ў. Инглиз тили дарслиги (English for Translators) – Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 2005
2. Muminov O., Turgunova R., Alimova D., Rashidova A. Translation. – Т., 2008.
3. Muminov O.. A Guide to Simultaneous Translation – Tashkent, 2005.
4. Muminov O.. A Guide to Consecutive Translation. - Tashkent, 2013.
5. Muminov O., Khodjaeva S., Rahimova N., Sultanova S., Inamova D. Practical Course in Translation. – Tashkent, 2010, Volumes 1, 2.

Қўшимча адабиётлар

1. Бреус Е.В. Теория и практика перевода с английского языка на русский. - М.: Изд-во УРАО. 2005.
2. Гак В.Г. Теория и практика перевода – М., “Добросвет”. 2000.
3. Uzbekistan Today (газетасининг ҳар ҳафталик янгиликлари).
4. The Economist (журналининг ҳар ойлик янгиликлари).
5. The Sunday Times (газетасининг ҳар ойлик янгиликлари).
6. The Week (журналининг ҳар ойлик янгиликлари).
7. Uzbekistan Airways, Tashkent. 2010-2013.

Немис тили

Асосий адабиётлар

1. Зияева С., Новикова С.Д. Амалий таржима. – Тошкент, 2010
2. Алексеева И.С. Устный перевод речей. Немецкий язык. Учебное пособие. - М., Инязиздат 2006.
3. Алексеева И.С. Профессиональный тренинг переводчика: Пособие по устному и письменному переводу для переводчиков и преподавателей. Учебное пособие. - М., Союз., 2005.
4. Алексеева И.С. Устный перевод: Немецкий язык: Курс для начинающих. - М., Союз. 2003.

Қўшимча адабиётлар

1. Буц И.А., Буц И.В. Немецкий язык . Учимся беседовать на общественно-политические темы. - М., “Высшая школа”, 1991.

2. Казанова М. Переводим с немецкого: Сборник общенаучных текстов с лексико-грамматическим анализом. - М., 2003.
3. Сазонова Е.М. Международные контакты. Учебное пособие по немецкому языку для переводчиков. - М.: Выс. шк. 2004.
4. Die Zeit, Zurichex Zeitung (хафталик газетаси).
5. Deutsche Zeitungen und Zeitschriften. Германия / Ўзбекистон газеталари.
6. Frankfurt Allgemeine. (хафталик газетаси).
7. Spiegel "Focus" (журналининг ойлик янгиликлари)

Француз тили:

Асосий адабиётлар

1. Дадамирзаева М., Кудрина Е. . Амалий таржима. –Тошкент, 2011.
2. Бурляй С.А. Французский язык: Устный перевод. Переводческая запись. Учебное пособие. - М. Р. Валент. 2005.
3. Виноградов В.С. Перевод: Общие и лексические вопросы. Учебное пособие. - М. "Книжный дом "Университет"". 2006.
4. Миньяр-Белоручев Р.К. Курс устного перевода. Французский язык. -М., 2003.

Кўшимча адабиётлар

1. Гавриленко Н.Н. Учебник французского языка. Перевод и реферирование. - М. Изд-во. РУДН. 2006.
2. Коржавин А.В. Французский язык. Пособие по переводу. - М. "Высш. шк.". 1988.
3. Скворцов Г.Л. Учебник по устному переводу. Французский язык. - Санкт-Петербург. 2000.
4. Щегинкин В.Е. Пособие по переводу. - М. "Просвещение". 1987, 1998.
5. Le Monde (газетасининг ҳар ойлик янгиликлари)
6. Le Nouvel Observateur (журналининг ҳар ойлик янгиликлари)
7. Le Point (журналининг ҳар ойлик янгиликлари)
8. Les docs des incollables. Série: la géographie de la France. - Paris, 2003

Асосий адабиётлар

Испан тили

1. Арутюнова Н.Д. Трудности перевода с испанского языка на русский. - М., Высш Шк: 2004.
2. Кузнецов А.В. Перевод коммерческой документации и корреспонденции. - Москва, 2000
3. Телень А.В. Газета в современном мире. - Москва, 1991
4. Интернет материаллари

Кўшимча адабиётлар

1. Алексеева И.С. Профессиональный тренинг переводчика: Пособие по устному и письменному переводу для переводчиков и преподавателей. Учебное пособие, - М., Союз., 2005.
2. Булгакова.Л.Н, Н.К.Гарбовский, В.М.Нечаева. Пособие по переводу. - Москва, 1988.
3. Varshiska . Espanol practico. - М.:Высшая школа, 1980.
4. Деловая поездка в зарубежье. Испанский язык.- М., "Высшая школа", 1982.
5. Телекўрсатув ва янгиликлардан лавҳалар (видео ва DVD кўчирмаси).
6. El Mundo газетасидан мақолалар.
7. El Pais газетасидан мақолалар.

Интернет сайтлари

1. <http://www.bbc.co.uk/worldservice/learningenglish/>
2. <http://education.leeds.ac.uk/edu-mwe/eltwww.htm>
3. www.lexikon.freenet.de/Literaturdidaktik
4. www.granddictionnaire.com
5. www.francophonnie.hachette-livre.com
6. <http://www.quiben.org/semantica-y-lexicologia-de-la-lengua-espanola>
7. <http://www.catalunyaonline.com>
8. www.lexikon-definition.de
9. www.translatordirectory.com
10. <http://www.uz-translations.net>

